

УДК 598.293.1(575.1)

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА ГҮНГ ҚАРҒА (*CORVUS FRUGILEGUS*)НИНГ ТАРҚАЛИШИ ВА УЯ БИОЛОГИЯСИ

**Бердикулов Х., Бердикулова Н.**

*Жиззах давлат педагогока университети*

*E-mail: [berdikulovk@list.ru](mailto:berdikulovk@list.ru)*

**Аннотация:** В Джиззакском обласи размеры колонии грачи было разным: в самой маленькой колонии 89 гнезд, в крупных 389 гнезд и во всех колониях 2656 (в среднем 204,3). Гнездо грачи распологались на тополя - 48,6%, карагаче - 31,2%, платане - 11,2%, грецкий орех - 4,5%, иве - 3% и 1,5% в ясене. Грач питают различными насекомыми, дождевой червы, личинки жуки и бабочки, зерна и семенами сорных трав.

Гўнг қарғалар полапонларини ҳар хил ҳашаротлар, ёмғир чувалчанги, қўнғиз личинкалари, капалак куртлари, буғдой, ёввойи ўсимликларнинг уруғи билан озиклантириши кузатилди.

Республикамизда Corvidae оиласига мансуб 11 тур мавжуд. Улардан гўнг қарға *Corvus frugilegus* кўп сонли, колониал уяловчи тур ҳисобланади. Ушбу турни бошқа қарғалардан тумшуғи асосидаги оқ-кулранг терисини яққол кўриниши ва патларини бронза рангида товланиши билан ажратилади.

Мамлакатимизда гўнг қарғани ўтроқ ҳолда учровчи гурухлари куйи Амадарё районларида уялаши илк маротоба учратилган. Кейинчалик Республиканинг марказий, жанубий ва шимоли-шарқий районларига кириб борганлиги кузатилган. Бугунги кунда ушбу турни ўтроқ яшовчи популяцияси шаклланган бўлиб, оммавий тур ҳисобланади. Қиш мавсумида Европанинг жануби, Россия ва Қозоғистон каби мамлакатлардан қишлаш мақсадида учиб келган қушлар ҳисобига тур сони ортиши кузатилади.

Қуйидаги маълумотлар гўнг қарғанинг экологияси, биологияси ва қишлоқ-хўжалигидаги аҳамиятини баҳолаш мақсадида 2018-2019 йиллар қиш, баҳор мавсумида Жиззах вилояти худудидан дала тадқиқотлари жараёнида йиғилди. Гўнг қарға колонияси мавжуд 13 та дарахтзор стационар сифатида танлаб олинди. Қушлар сонини аниқлашда маршрут методидан фойдаланилди (Кашкаров, 1927).

Жиззах шаҳри дарахтзорларида гўнг қарғани асосан қишлашда (декабрь-январ) учраши кузатилади. Туновчи қушларни тонг отиши билан озикланиш мақсадида шаҳарни тарк этиши асосан шаҳар атрофидаги ахлатхоналарда ва агроландшафт минтақасида озикланиб тунда яна шаҳарга қайтиши кузатилди.

Февралнинг биринчи ярмида туновчи қушлар сонини кескин камайиши кузатилди.

Жиззах вилояти ҳудудида қайд этилган 13 колониядаги уялар сони қиш мавсумида қушлар уяларни эгаллашидан олдин, 2018 йил ноябр, декабр ойлари давомида саналди.

Заргар ва Кўкгумбаз қишлоғини кесиб ўтувчи асосий транспорт йўли ёқасидаги дарахтзорда 368, Қоратош қишлоғи ҳудудида 376, Жиззах-Самарқанд йўналишидаги М-39 магистрал автомобил йўлининг 1031-32 км ва 1047-48 километр оралиғидаги йўл бўйлаб жойлашган қайрағочларда 2 та колонияларда 478 (89,389), Сарбозор МФЙ ҳудудида 145, Хонимқўрғон қишлоғида 110, Обуз қишлоғида 109, Гулистон қишлоғида 165, Ғаллаорол тумани Қўриқ қишлоғида 113, Жума ҚФЙдан Пояриқ туманига ўтувчи транспорт йўли ёқасида 380 ва Гулистон ҚФЙ Абдукарим қишлоғида 120 уядан иборат гўнг қарға колониялари мавжудлиги қайд этилди. Фориш тумани тоғ олди минтақаси Нарвон қишлоғида 166, Кўса қишлоғида 126 уядан иборат гўнг қарға колониялари мавжудлиги қайд этилди.

Бундан ярим аср муқаддам Зарафшон водийсидаги энг йирик колонияларда 154 (ўртача 52) тага қадар уя бўлиши адабиётларда келтирилган (Бакаев, 1995).

Биз ўрганган колонияларнинг катталиги турлича бўлиб, энг кичик колонияда 89 уя, йирик колонияда 389 та, (ўртача 204,3) барча колонияларда 2656 уя мавжудлиги, аниқланди. Адабиёт маълумотлари билан таққосланганда бугунги кунда қушнинг сони 4 маротобага ошганлиги намоён бўлади. Тадқиқот ҳудудида қушлар уяларини 48,6% теракда, 31,2% қайрағочда, 11,2% чинорда, 4,5% грек ёнғоғида, 3% шумтолда ва 1,5% заранг дарахтларида жойлаштирган.

Тошкент вилоятида бир туп чинор дарахтида 39 тагача гўнг қарға уя қуриши қайд этилган (Е.Н Лановенко., Э.Ш Шерназаров ва б; 2012). Жиззах вилоятида бир туп терак ва қайрағочда шаклига боғлиқ ҳолда 1 тадан 12 тагача уя ўрнатилганлиги учратилди. Сершоҳ дарахтларда жойлаштирилган уялар бирига нисбатдан горизонтал, аксинча теракда вертикал (устма-уст) ҳолатда эканлиги аниқланди.

Қушлар уясини асосан 60% терак ва чинор каби дарахтларнинг 8-12 метрдан баланд бўлган қисмида жойлаштиради.

Гўнг қарға уясининг диаметри 23-67 см, баландлиги 24-69 см, лотка диаметри 15-23 см, чуқурлиги 7,5-13 см бўлади. Уя асосан дарахт ва буталарнинг 8-47 см бўлган майда шохларидан ясаиб, ичига ўтларни майин пояси, хайвон жуни, қуш патлари, селофан, латта ва барглари тўшайди. Ишлатилган уяларни асосан ички қисми қайта қурилади.

Ҳароратга боғлиқ ҳолда март ойида тухум қўйиш бошланади. С.Б Бақоев (1995) маълумотларига қараганда қуйи Зорафшон воҳасида гўнг қарғалар 15 мартда биринчи тухумни қўйиши аниқланган. Жиззах вилоятида 2019 йил 1 мартда биринчи тухум қўйганлиги, 14-17 мартдан бошлаб ёппасига тухум қўйиш бошланиши кузатилди. ўрганилган 64 уяда қушлар 2 тадан 6 гача (ўртача 3,6) тухум қўйиши, фақат бир уяда 1 тухум қўйилганлиги аниқланди. Тухумлар кўк-яшил тусда бўлиб, ҳар хил катталиқдаги кўнғир, кулранг, жигарранг ҳамда яшил доғлари мавжуд. Морфометрик ўлчами 37,1-41,0x26,3-28,3 мм га тенг. Тухум сариқлиги 12-20% ташкил этади. Гўнг қарғалар биринчи тухумни қўйиши билан уни инкубацияси бошланиши сабабли уяда полапонлар ёши ҳар хил бўлади. Тухумларни асосан урғочи қушлар босиб ётиши, эркаклари уядан узоқ бўлмаган масофада жойлашган агроландшафт ерлари ва табиий биотоплардан ҳашаротларни турли гуруҳ вакиллари билан озиқланиши ҳамда урғочисига озиқа ташиши аниқланди.

Колонияларда кеч жуфтлашган қушлар томонидан бўш инларни эгалланиши ёки янгисини қуриб тухум қўйиш ҳолати 29 апрелда ҳам кузатилмоқда.

Уя биологиясини ўрганиш мақсадида белгиланган 64 уяда 23 апрелга қадар 70 дан ортиқ полапон тухумдан чиққанлиги аниқланди. Гўнг қарға жиш бола очувчи қуш бўлиб полапонларини кўзи, эшитиш тешиги юмиқ, танаси яланғоч, қонотлари усти ва елкасида тўқ-куклранг тусдаги эмбрионал парлар бўлади.

Гўнг қарғалар полапонларини ҳар хил ҳашаротлар, ёмғир чувалчанги, кўнғиз личинкалари, капалак қуртлари, буғдой, ёввойи ўсимликларнинг уруғи билан озиқлантириши қишлоқ хўжалиги учун аҳамиятли. Бироқ баҳорда униб чиқаётган маккажўхори, нўхат ва ловя каби маданий ўсимликларга шикаст етказади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Кашкаров Д.Н. Метод количественного изучения фауны позвоночных и анализ полученных данных. // Тр. Средно Азиатского государственного университета, 1927. сер. VIII – а, зоол; Вып. 1. – С. 24.
2. Лановенко Е.Н., Шерназаров Э.Ш., Филатова Е.А., Филатов А.К., Азимов Н.Н. О расширении ареала и росте численности грача в Узбекистана // Орнитологический вестник Казахстана и Средней Азии Выпуск 1. Алматы-2012. С. 164-170.
3. Бакаев С.Б. Грач. Птицы Узбекистана. Т.3. Ташкент, 1995. С. 146-152.